



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

2011 йил 24 июнь, жума

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (11.934)

Баҳоси эркин нарҳда

МУСТАҚИЛЛИК — БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 22-23 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи кунини Қарши туманидаги «Рамз Норов» фермер хўжалиги далалига ташриф буюрди.

Вилоят миришкорлари 145 минг гектар майдонда етиштирилган галла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқда. Айни пайтда 160 минг гектардан зиёд ерда парваришланган гўза қатор ораларига агротехник талаблар асосида ишлов бериш, нам сақлаш технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

— Ёзнинг ҳар бир кунидан, айниқса, июль-август ойларидан самарали фойдаланиш ҳосил тақдирини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини тажрибали деҳқонларимиз яхши билади, — деди Ислоҳ Каримов. — Бу йил ҳавонинг нисбатан қуруқ келгани деҳқонларимиз учун бирмунча қийинчиликлар туғдирган бўлса-да, улар ўз тажрибаси, маҳорати ва бетиним меҳнати билан барча машаққатларни енгиб, мўлжалдаги ҳосилни олиш чораларини кўрмоқдалар.

Ўртбошимиз мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, муаммоларни вақтида ҳал этиш зарурлигига эътиборни қаратар экан, намлиқни сақлаш борасида тажрибали деҳқонларимиз қўллаб келган усул — ерни маҳаллий ўғитта тўйдириш, шарбат усулида суғоришдан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 июнда қабул қилинган «Суви тежайдиган технологияларни жорий этиш ва 2011 йил июнь-сентябрь ойларига суғорма суви тежашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, вилоятда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув истеъмоли ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, суви тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Рамз Норов» фермер хўжалигига қарашли 13 гектар ерда галланинг «Селянка», 83 гектар майдонда гўзанинг «Бухоро-102» нави парваришланмоқда. Ушбу галла нави ҳосилдорлиги, тезпишарлиги билан ажралиб туради. Суғориладиган майдонларда «Селянка» навидан 60-70 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бугунги кунда вилоятда етиштирилган галланинг 25 фоизини ана шу нав ташкил этади.

Президентимиз қомбайнчилар билан суҳбатлашди.

«Клас-доминатор» қомбайни оператори, тажрибали механизатор Қобил Латипов Германия билан ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган ушбу қомбайннинг афзалликлари — иш умумдорлиги, ҳосилни нобуд қилмаслиги, сомонни сочиб ташлашмаслиги ва бошқа қулайликлари ҳақида гапирди.

Қомбайнчилар орасида ёшлар кўплиги эътиборни тортди.

Президентимиз бугунги ёшлар, уларнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида гапирар экан, касб-хунар коллежларида ўқув ва амалиёт тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, коллежларда таҳсил олаётган ёшлар замонавий фанларни, жумладан, ахборот технологияларини, хорижий тилларни пухта ўрганиши лозимлигини таъкидлади.

Ўртбошимиз Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги ҳузурида ташкил этилган Фермерларга илмий-амалий маслаҳат бериш маркази фаолияти билан танишди. Хўжалик дала шийпониди фермерлар, вилоят фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашди.

Ислоҳ Каримов фермерлик ҳаракатининг истиқболи ҳақида сўз юритар экан, фермерлар наинки иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

— Фермер хўжалигимизда 100 киши меҳнат қилади, — деди «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холиёров. — «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиалидан 160 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб, сутни қайта ишлаш технологиясини харид қилдик. Унинг ишга туширилиши фаолиятимизнинг янги йўналишига асос бўлди. Ушбу ускуна бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. 520 бош қорамолимиз бор. Қатиқ, қаймоқ, пишлоқ сингари маҳсулотларимиз туман марказидаги махсус дўконларда сотилмоқда.

Президентимиз суҳбат асосида одамларнинг онгу тафаккуридаги, турмушидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий-маънавий соҳада амалга ошириладиган ислоҳотлар самараларига тўхтади. Фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида сўз юритди.

— Энг илғор фан ютуқлари, замонавий технологиялар, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти мамлакатимиз буюк келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўртбошимиз. — Ёшларимиз замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллаша олишлари лозим. Чунки бизнинг ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган халқимиз амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ишлари, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиз фаровонлиги — буларнинг барчаси истиқлол туфайли эканини теран англайди. Қашқадарё вилоятида давом этаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланишлар жараёни ҳам бунинг амалдаги ифодасидир.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўза махсус мухбирлари**



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қурилиш ишларининг жадал суръатлар билан амалга ошириладигани қурилиш материаллари саноатини ҳам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

Қурилиш ишларининг жадал суръатлар билан амалга ошириладигани қурилиш материаллари саноатини ҳам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг ривожланиш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солиниши халқимизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларидан бири бўлди, — деди «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Шухрат Юсупов. — Бугунги кунда мамлакатимизда автомобилсозлик иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларидан

бўйича бир қанча лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади. Умуман 2011 йилда 357 массивда 7400 турар жой, шунингдек, ижтимоий ва коммунал хўжалиги объектиларини қуриш кўзда тутилмоқда. Ушбу мақсадларга 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Бу борадаги кенг қўламли ишларни амалга оширишда бугунги кунда қурилиш материаллари бозорига фаолият кўрсатаётган ва сифатли, энг муҳими, арзон қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқараётган 3 мингдан зиёд корхона муҳим ўрин тутади.

Ҳозир Ўзбекистонда деярли барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда мазкур соҳа бозоридидаги маҳсулотларнинг 70 фоиздан ортиги «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан

ишлаб чиқарилаётир. Булар асосан цемент, шифер, асбест-цемент қувурлар, гипс, оҳак, юмшоқ том ёпқичлар, қуруқ қурилиш аралашмалари, битум, шиша буюмлар, сопол черепицалар, ёғоч-пайраха плиталар, гидроизоляция ва норуца материаллари, мрамар, гранит, бошқа турдаги табиий тошлар, деворбор материаллар, электрод ва бошқа қурилиш ашёлариридир.

Қурилиш ишларини цементсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент», «Кизилқумцемент» ва «Қувасойцемент» очик акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш қувватини юз фоизга етказди. Кейинги 10 йилда Ўзбекистон цемент ишлаб чиқариши икки баробар — йилига 3,2 миллион тоннадан 6,8 миллион тоннага кўпайтирди.

Қурилиш ишларини цементсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент», «Кизилқумцемент» ва «Қувасойцемент» очик акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш қувватини юз фоизга етказди. Кейинги 10 йилда Ўзбекистон цемент ишлаб чиқариши икки баробар — йилига 3,2 миллион тоннадан 6,8 миллион тоннага кўпайтирди.

бўйича қандай кенг қўламли ишларни амалга оширишга сарфланади. Умуман 2011 йилда 357 массивда 7400 турар жой, шунингдек, ижтимоий ва коммунал хўжалиги объектиларини қуриш кўзда тутилмоқда. Ушбу мақсадларга 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Бу борадаги кенг қўламли ишларни амалга оширишда бугунги кунда қурилиш материаллари бозорига фаолият кўрсатаётган ва сифатли, энг муҳими, арзон қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда деярли барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда мазкур соҳа бозоридидаги маҳсулотларнинг 70 фоиздан ортиги «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Андижон шаҳрида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорларни замонавий, илғор технологиялар билан яқиндан таништириш мақсадида «Andijan: MINITEX-2011» ярмаркаси ташкил этилди.

• Фарғона шаҳридаги Офицерлар уйида Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Аскар оналарни шарафлаймиз» мавзуида байрам тадбири ўтказилди. Шарқий ҳарбий округ кўмондонлиги ҳамда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, офицер ва аскарлар, уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

• Бухорода «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишда микромолиявий хизматлардан кенг фойдаланиш» мавзуида иқтисодий форум ўтказилди.

• Боёвут тумани ҳокимлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди. Унда тумандаги 34 та ташкилот ва корхона 130 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир якунида касб-хунар коллежларининг 100 нафардан ортиқ битирувчилари доимий иш жойига эга бўлишди.

• Қумқўрғон туманидаги «Баракат» хусусий фирмасида гипс ишлаб чиқаришга киришилди. Ҳозир бу ерда Германия технологияси ёрдамида кунига икки тонна пардозлаш материаллари тайёрланмоқда.

• Навоий вилояти Зарафшон тиббиёт коллежида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «XXI аср — глобаллашув шароитида ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш вазифалари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

• Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Орол бўйида ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтди. Ушбу кино санъати байрами доирасида мухлислар эътиборига 14 та бадий ҳамда 13 та ҳужжатли кинотасмалар ҳавола этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Ленинград областидаги хавфли чиқиндиларни утиллаштириш бўйича полигонда кучли ёнғин чиқди. Ўт ўчирувчилар ёнғинни бартараф этиш учун беш соат давомида кураш олиб бордилар. Таъкидлаш жоизки, бу ушбу полигонда 2006 ва 2008 йиллардан кейин содир бўлган учинчи ёнғиндир.

• Кеча Аляска атофида 7,4 балли кучли zilзла рўй берди. Ер қимирлаши муносабати билан цунами юз бериш хавфи ҳам турилган.

• Economist intelligence Unite маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра Германия шаҳарлари Европадаги экологик жиҳатдан энг тоза шаҳарлар деб топилган. Тадқиқот давомида Германиядаги 12 та энг йирик шаҳар ҳолатига саккизта тоифа бўйича баҳо берилди.

• Май ойининг сўнги кунларида илк бор Германиянинг шимолий ҳудудларида кузатилган, тез орада Европа қитъаси бўйлаб тарқалган хавфли ичак инфекцияси касаллиги (ЕНЕС) дунё жамоатчилигини жиддий хавотирга солмоқда. Айтиш керакики, Европанинг 12 мамлакатидан сўнг ушбу инфекция АҚШ ва Канадада ҳам аниқланди. ЕНЕС бактерияси бу ерга қандай етиб борганлиги, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳали-ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

• Швейцарияда очилган энг йирик замонавий санъат кўргазмаси «Арт-Базель»да дунёнинг 35 мамлақати ва 300 та галереясида жами 2500 дан зиёд мусаввирларнинг 1,75 миллиард долларга баҳоланган ижод маҳсуллари намойиш этилмоқда.

• Кейинги 34 йил ичида илк бор бир фунт кофе (0,45 килограмм атрофида) нархи жаҳон бозорига 3 доллардан ошиб кетди. Нархнинг ошишига «Арабика» навининг ҳосил бермаганлиги ва Ҳиндистон, Хитой, Индонезия ва Бразилияда юқори сифатли кофега талабнинг тобора ортиб бораётгани сабаб бўлган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Ташкилотнинг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида Марказий банк билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасидаги ишлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **САВДО-САНОАТ** палатаси шаҳар бошқармасида бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун «Тадбиркорлик кунини» ўтказилди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги Олим Хўжаев номидаги маҳаллада Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида маънавий-маърифий кеча уюштирилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг ўзагини фуқароларнинг даромад топиш имкониятларини янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий механизмини яратиш, шу аснода аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш омиллари ташкил этади.

Иқтисодий ислохотлар давом этар экан, ўз навбатида, янги-янги ҳуқуқий муносабатлар юзга келиб, ривожланиб бораверади. Ушбу жараён энг аввало ички бозор конъюктурасининг ривожланиш механизмига боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий асослар такомиллашуви давлатнинг бош ислохотчилик таъмоили орқали олиб борилади.

Мамлакатимиз Президентининг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида яна бир тадбиркорлик фаолияти — оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий механизмига асос солингани юқорида қайд этилган таъмоилининг яна бир амалий исботидир.

Тадбиркорликнинг бу йўналиши асрлар оша халқимизнинг турмуш фаолиятига айланиб, оила аъзоларининг ўзаро бир-бирига ҳурмат, кичкинлик оиланинг катта аъзоларига бевосита боғлиқлигини ифода этган ҳолда ривожланиб келган. Концепцияда оилавий тадбиркорлик институтининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга оид илгари сурилган ташаббуслар халқимизга хос ва мос ишчанлик муҳитини яратишда иборатдир.

Иқтисодий асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қаратилган бозор инфратузилмаларининг тез ривожланиши жаҳон бозорларига сифатли

маҳсулотлар экспорт қилинишни талаб этади. Бу жараёнда оилавий тадбиркорликнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Шунинг билан тарихимизда қайд этиш лозимки, Хитой ҳуқуматининг таъминига кўра, ушбу давлат иқтисодиётининг тўлиқ модернизациялаш

нинг ҳам бу борада фикрлари инobatга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Оилавий тадбиркорлик икки — тадбиркорлик ҳамда ижтимоий ҳимоя амалларини ўз ичига олади. Буларнинг ҳамоҳанглиги ўзбек урф-одатларига мос келади, ўз навбатида, за-

Концепцияни ўрганимиз

ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ ОРТМОҚДА

жараёнлари 2030 йилга келиб тугайди ва бунга кичик бизнес, шу жумладан оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантириш орқали эришилиши кўзда тутилади.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари, яъни оила аъзоларининг меҳнат фаолияти мустақил ҳисобланиб, бозорга маҳсулотни бевосита сотишга қаратилган. Бунда оила бошлиғи ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида оила аъзоларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатиб боради. Лекин бу билан оила бошлиғининг фикри қатъий дегани эмас, балки оила бошқа аъзолари-

монавийлашган ҳуқуқий механизм билан ҳамоҳангликда амалий механизми ҳам юксалтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик, йирик ишлаб чиқаришга асосланган корхоналарга нисбатан, бозорга тез мослашувчанлик хусусияти билан ажралиб туради. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланади. Шу жумладан, ҳар уч оиладан бири қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштирилади, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида ишлайди, ҳар саккиз

оиладан бири хўнарамдчилик ёки кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатини таъминловчи бир қатор ҳужжатлар мавжуд. Бироқ бу борада яхлит шаклдаги ҳуқуқий ҳужжат ҳозирча қабул қилинмаган. Оилавий тадбиркорлик фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хўнарамдчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хўнарамдчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом билан тартибга солинмоқда.

Мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган тадбиркорликнинг бу тури ўзи амалий аҳамиятга кўра нафақат эр ёки хотин, воёга етган болалар, балки воёга етмаган болалар меҳнатининг уйғунлашиши билан оила кичик аъзоларининг меҳнатга бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда болаларда фақат меҳнат қилиб, мустақил даромад топиш имконияти ошади, ўз навбатида, уларнинг ота-онаси назорати остида бўлиши кафолатланади.

Концепцияда айтиб ўтилганидек, ушбу фаолиятни янада ривожлантириш борасида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ташаббуслари илгари сурилмоқда. Бу дегани, эркин меҳнат қилиш ва шу орқали мустақил даромад топиш имкониятлари бундан-да кенгайиши.

Зебунисо БОБОҚУЛОВА,
Тошкент Давлат юридик институти тадқиқотчиси

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Темир йўллари модернизациялаш жараёнида ортирилган бой тажрибалар эса корхона нуфузи янада раванқ топишига хизмат қилаётир.

Транспорт

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Корхонада техника ижодкорлиги туфайли тўрт секцияли тепловозларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу техникалар «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темир йўлининг мураккаб участкаларида ишлатилимоқда. Мухандис-техник ходимлар куч-ғайрати билан қисқа муддат ичида кўпгина шундай қудратли тепловозлар ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда режадаги локомотивларни таъмирлаш жараёни жадал кечмоқда. Айни вақтда модернизациялашни ҳам ўз вақтида адо этишга эришилмоқда.

Шуни фахр билан айтиш жоизки, мамлакатимиз темир йўл корхоналарида «Ўзбекистон» тепловози юқори баҳоланди.

Ақбар АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Асака шаҳридаги «GM-Uzbekistan» компаниясида замонавий стандартларга жавоб берадиган, кулайлиги, хавфсизлиги, ишончилиги ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган энгил автомобиллар ишлаб чиқаришмоқда. Самарқанддаги «СамАвто» заводидан тайёрланаётган «Исузу» русумли автобуслар, юк автомобиллари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари — автофургонлар, сув ташиш, сут ташиш, чикинди ташиш машиналари, автоминоралар, эвакуаторлар ишончилиги ва фойдаланишда кулайлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонасида эса замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқаришмоқда.

Замон ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделларини янгилаб, сифатини муттасил ошириб боришни тақозо этади. Чунки кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. Damas, Tico, Nexia автомобиллари Ўзбекистон автосаноатининг биринчи «қалдирғочлари» бўлган эди. Кейинчалик Matiz, Lacetti, янги русумдаги Damas, Nexia автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон автосаноати 2008 йилда янги ҳамкор ва салоҳиятли инвестор — General Motors корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобиль заводидан Chevrolet русумдаги Lacetti, Captiva, Epica автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. 2010 йилнинг август ойидан эса «GM Uzbekistan»нинг янги русумдаги Chevrolet Spark автомобили харидорларга тақдим этилмоқда. Ҳозир Nexia классидagi янги автомобилни ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон автомобиллари нафақат юртимизда, балки хориж бозорларидан муносиб ўрин эгаллаб, бошқа давлатларда ҳам харидорлар бўлиб бормоқда ва харидорлар ишончини қозонмоқда. Автомобилларимиз кенг тармоқли дилерлик савдо корхоналари орқали Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Туркменистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Асака автомобиллари учун зарур деталларни маҳаллийлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бутовчи қисмларнинг ўзимизда тайёрланиши валюта ва вақтни тежаш, ишлаб чиқариш танархисини камайтириш баробарида кўплаб янги иш ўринларини ташкил этиш имконини бermoқда. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, хорижникидан асло қолишмайдиган сифатли эҳтиёт қисмлар ва нозик деталлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Бамперлар, тутун чиқаргичлар, ёнилги баклари, автомобиль ойналари, аккумуляторлар, электр ўтказкичлар учун жуглар, автомобиль салонининг ички қоплаш қисмлари, трубалар, бўёқлар ва бошқа кўпгина жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги беш-олти йил ичида маҳаллий етказиб бериувчилар сони йигирмадан икки юзга етди.

«Ўзавтоасаноат» акциядорлик компанияси ривожланиш дастури доирасида 2008-2010 йилларда 770 миллион АҚШ доллари қийматидаги 40 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, 2011-2012 йилларда эса 30 лойиҳа доирасида 470 миллион АҚШ долларидан ортиқ сармоя ўзлаштирилиши режалаштирилган.

2009 йили «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ташкил этилди. Дунёнинг атиги 18 мамлакатда энгил автомобиллар учун двигателлар тайёрланади. Тошкент вилоятида барпо этилаётган «General Motors Powertrain Uzbekistan» деб номланган ушбу янги завод жорий йилнинг ноябрь ойида ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олади. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Германиянинг «MAN Truck & Bus AG» компанияси ҳамкорлигида «JV MAN Auto — Uzbekistan» қўшма корхонаси учун энгил юк кўтарадиган автомобиллар ишлаб чиқарадиган янги завод қурилиши давом этмоқда.

Соҳада юқори малакали муҳандис ва ишчи-ҳодимлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 27 апрелда қабул қилинган қарорига биноан ташкил этилган Тошкентдаги Турин политехника университетида ёшлар машинасозлик технологиялари, автомобильсозлик, санаот ва ҳўжалик қурилиши, архитектура ва санаот дизайни, санаотда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетларида тахсил олмақда.

Матбуот анжуманида автомобилсозлик мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, санаотнинг юқори технологияли бошқа тармоқларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди.

О.ЭРГАШЕВ,
ЎЗА мухбири

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультетининг 76 нафар битирувчиларига еттита мутахассислик бўйича дипломлар топширилди ҳамда «лейтенант» ҳарбий унвони берилди.

Шаҳримиздаги «Шаҳидлар хотираси» майдонида бўлиб ўтган ушбу маросимда мутасадди ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар иштирок этади.

— Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган. Унинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига офицер кадрларни тайёрлаб беришдир, — дейди Махсус факультет раҳбарини ўқув ишлари бўйича ўринбосари подполковник Саидахат Париев. — Ёш лейтенантларимизга тантанали равишда, юртимизнинг мана шундай гўзал ғўшасида дипломларнинг топширилаётгани беҳиз эмас. Ишончимизки, ўғлонларимиз Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга, ота-онасига содиқ фарзандлар бўлади. Қолаверса, ҳар қандай вазиятга тайёр турадиган ўзбекистон мард ўғлонлари сифатида давлатимизга қанот бўлиб хизмат қиладилар ва билдирилган ишончини оқлайдилар.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, бугунги кунда ёш кадрларни тайёрлаш давлат дастурига асосан, келажақ эгалари учун кўплаб имкониятлар яратиб берилган. Факультетнинг талаба ва курсантлари учун университет қошида электрон кутубхонанинг ташкил этилганлиги уларга жаҳон андозларига мос, замон талабларига жавоб берадиган таълим олиш ва мукамал билим эгаллаш имконини беради.

— Усмирлик даврларимизда ушбу ўқув юртига киришни орзу қилганман. Йигитлик бурчимни ўтаб келга-

нимдан сўнг, мен учун қадрдон ТАТУ қошидаги Махсус факультетга ўқишга кирдим. Беш йил давомидида ўзимга керакли бўлган билимларни эгаллашга интидим. Шундай шарт-шароитлар яратиб бераётган аввало Юртбошимизга, устозларимизга ўз миннатдорчилигимни ихор этаман, — дейди лейтенант Азиз Жалилов. — Иمتиёзли дипломи кўлга олар эканман, қалбимдаги ҳаяжон ва қувонч билан бирга кучли масъулият ҳисси тобора ортиб бораётир. Бу меннинг биринчи ҳарбий унвоним. Мақсадим, бундан-да катта ютуқларга эришиши, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида бор имкониятларимни ишга солган ҳолда мустақиллик сарҳадлари, дахисизлигини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш.

Тантанали маросимда устозлар қаторида ота-оналарнинг ҳам минбардан туриб келажақ эгаларига табрик билдирганиги битирувчиларнинг дилларига янада қувонч бахш этди.

— Аввало, мустақиллигимизга, обод ва фаровон юртимизга кўз тегмасин дейман. Фарзандларимизга шундай имкониятларни яратиб чўқур ишонч билдираётган Юртбошимиз доимо омон бўлсин. Бугун жуда ҳам хурсандман. Ушбу даргоҳда беш йил давомидида ўғлим Маъсудбек Назаралиев ўқиб билим олди. Тилагим, ҳар доим осмонимиз тинч, мусофҳо бўлсин. Битирувчиларимиз доимо уларга билдирилган ишончини оқлаб, Ватан раванқи, унинг шаънини ҳимоя қилиш йўлида хизмат қиладиган содиқ ўғлонлар бўлиб етишсинлар.

Садоқат АСЛАНОВА
ЎЗА олган сурат

Телемеханика ва автоматика тизимларида фойдаланилаётган асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида санаотда уларни ишлаб чиқаришни жорий этиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иқтисодиёт «АКАДЕМАСБОБ»НИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Академасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирилшамаси томонидан олиб борилаётган изланишлар натижасида бу турдаги асбоб-ускуналарнинг қатор намуналари юзга келди. Мазкур ишланмалар телемеханика ва автоматикага доир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини бериди.

Бирлашма мутахассислари яратган комплексли мосламалар техниканинг ишончли ҳимоя воситаси янглик қўлланмоқда. Хусусан, момақалдироқ маҳалида токни узиш бўйича авария тизими ишга тушади. Шунингдек, катод қувиюси станциясини автоматик равишда ишлашга ўтказиш имкони туғилди.

Ишлаб чиқаришга техника ва технологияларнинг жорий этилиши эса харажатларни бир неча баробарга қисқартиради. Бундай юқори технологияли ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда ижобий самара беради.

Анвар ВАЛИЕВ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини инвестициялар бошқармаси бошлиғи А.Муҳиддиновнинг таъкидлашича, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури инвестиция сифатини амалга оширишда муҳим ўрин тутайди. Ушбу дастур параметрлари Президентимизнинг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган 2011 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси мазкур дастур доирасида 11 инвестиция лойиҳасини ҳаётга таътиқ этишни режалаштирмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида янги цемент заводи — «Раҳмон-Нур» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасини қуриш шундай йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. 2009 йилда бошланган ушбу лойиҳани ҳам 2013 йилда якунлаш кўзда тутилган. Объект қиймати 128 миллион доллар миқдориди баҳоланмоқда ва шунинг 79 миллионини хорижий инвестициялар ташкил қилади.

Мамлакатимизда яратилган кулай инвестиция муҳити туфайли энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шундай маҳсулотлардан бири — сопол қошинлардир. Бу борада миллионлаб квадрат метр пишиқ ва сифатли, ўзига хос дизайнига эга йилма-йил қошинлар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг сопол қошинлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган икки корхонаси етакчилик қилмоқда.

Бундай лойиҳалардан бири «ТошКСМ» очик акциядорлик жамиятида ниҳоясига етказилмоқда. Яна бири «Moderna Ceramic Industries» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш майдонларида амалга оширилмоқда. Унинг лойиҳа қуввати йилга 1 миллион квадрат метр қошин ишлаб чиқариш имконини беради. Лойиҳани 2012 йилда якунлаш режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг май ойи охирида «Қишлоқ қурилиш банк» асбоб-ускуналар харид қилиш учун кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Замонавий қурилиш санаотида кўплаб деворбop материаллар қўлланилмоқда. Аҳоли даромадининг ошиши ва яшаш шароитларини яхшилашга эҳтиёжнинг ортиб бораётгани сабабли қурилиш материаллари, биринчи навбатда, пишиқ ғишга нисбатан талаб ошмоқда. 2007-2008 йилларда мамлакатимизда йилга жами 611,1 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 105 янги ғишт заводи қурилди.

Бироқ мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўшанда ҳам бозор талабларини тўлиқ таъминлаш имконини бермас эди. Ички бозорни деворбop материаллари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда уй-ғўша қураётган аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш, янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилиш ҳисобидан сифатли деворбop материаллар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш ва тайёр маҳсулотлар нарҳини пасайтириш имконини берадиган ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида 2009 йил 19 июнда давлатимиз раҳбарининг «Деворбop материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Шу тариха кўзда тутилган 282,4 миллион дона ўрнига йилга 333,1 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 68 янги завод ишга туширилди. Бу мўлжалдаги нисбатан 118 фоизни ташкил этади. Шунингдек, 1928 янги иш ўрни яратилди.

2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда йилга 2,026 миллиард дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар сони 728 тага етган.

Истиклол йилларида қурилишда кенг қўлланилаётган гипсокартон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, гипсокартон билан қопланган синчли уй мустаҳкамлиги бўйича аънавий материаллардан қурилган бинадан мутлақо қолишмайди ва бир неча ўн йиллар туриши мумкин.

Жорий йил май ойида «Кнауф Гипс Бухоро» масъулият чекланган жамияти хорижий корхонадан «Кнауф» фирмаси технологияси бўйича гипсокартон буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш ниҳоясига етказилди. Бу ерда йилга 20 миллион квадрат метр гипсокартон листлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳани амалга ошириш учун Германиянинг жаҳонга машҳур «Кнауф» компанияси томонидан 35 миллион евро сарфланди. Ишлаб чиқариш замонавий технологияларга асосланган бўлиб, тўлиқ автоматлаштирилган. Бу ерда 60 янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда синов тарихасида 0,5 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилади ва йил охиригача 5 миллион квадрат метрдан зиёд маҳсулот тайёрлаш кутилмоқда. Бозор талабларига кўра, девор ва шифтларни пардозлаш учун намага чидамли, ёнгина қарши гипсокартон листлар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 80 фоизини ички бозорга йўналтириш, 20 фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, пойтахтимиздаги «Панель пласт» қўшма корхонасида пенополистирол ва минерал зарралар асосида безакли фасад элементлари ишлаб чиқариш ташкил этилди. Бу ерда йилга 150 минг квадрат метр фасад элементлари — дераза тоқчалари, часпақлар, сарой тошлари, тирговчулар, устунлар, иссиқ ўтказмайдиган қоплама панеллар ишлаб чиқарилади.

Ўртимиздаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулотлари хорижда ҳам харидорлиқ бўлиб бормоқда. Бугун цемент, шиша буюмлар, ғишт, табиий тошдан тайёрланган плита ва буюмлар, гипсокартон листлари, куруқ қурилиш аралашмалари, композит панеллар, гипсокартон ва «Армстронг» шифт плиталари учун руҳ қопламали профиллар ва бошқа маҳсулотлар Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Эрон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Мухтасар айтганда, бунёдкорлик ишларининг жадаллашиши мамлакатимиз қурилиш материаллари санаотини ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Зеро, бугун қурилиш тармоғи иқтисодиётимизнинг энг истиқболли ва изчил ривожланиб бораётган соҳаларидан бири бўлиб, унинг мустаҳкамлашиши Ўзбекистон санаотини ривожлантириш стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



Ўзбекистон – Германия «Савдогар» очик акциядорлик-тижорат банки жамоаси ҳам бошқа банклар қатори ўз олдиға кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишға ҳаракат қилмоқда. Шу боис йил сайин яхши натижаларға эришилапти. Бугунги кунға келиб, банк акцияларининг XIV эмиссияси муомалаға чиқарилиб, акциядорлар ва инвесторлар орасида жойлаштирилмоқда. Банкнинг умумий капитали 28 миллиард сўмдан ошиб кетди.



«САВДОГАРБАНК» ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР ВА КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИНГ ЯҚИН МАДАДКОРИ

Хозирда республикаимиз ҳудудида «Савдогарбанк»нинг 26 та филиали, 25 та мини-банк, 25 та махсус касаси, 27 та жамгарма касаси ва 40 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари фаолият юритиб, миқдорларға намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда.

2010 йил 1 апрель ҳолатиға банк томонидан 117 мингдан зиёд миқозға хизмат кўрсатилган бўлса, 2011 йилнинг худди шу давриға келиб 119 мингдан ортиқ миқозларға турли хил банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда ва ушбу миқозларнинг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Банк томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда хизмат кўлами кенгайтирилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға 2010 йилда 40,9 млрд.сўм миқдоридида кредитлар ажратилди. Шундан, тармоқлар бўйича санаотға 9,5 млрд.сўм, қишлоқ хўжалиғиға 7,5 млрд.сўм, савдоға 13,7 млрд.сўм, қурилишға 4,4 млрд.сўм, хизмат кўрсатишға 2,3 млрд.сўм ва бошқа тармоқларға ажратилган кредитлар 3,5 млрд.сўмни ташкил этган. Ажратилган кредитлар ҳисобиға 1616 та янги иш ўринлари яратилди ва бир неча корхона молиявий аҳолини мустаҳкамлаб, янги иш ўринлари яратиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятиға эға бўлди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға биноан 2010 йилда аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 6,5 млрд.сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилган, шундан ишлаб чиқаришға 2,6 млрд.сўм, қишлоқ хўжалиғиға 1,1 млрд.сўм, савдо соҳасиға 1,6 млрд.сўм, хизмат кўрсатишға 192 млн.сўм ва бошқа соҳаларға 1 млрд.сўмлик кредит маблағлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ ёш оилаларға 2010 йилда 3 млрд.сўмлик кредитлар ажратилган, шундан, 1,3 млрд.сўми ипотека, 100 млн.сўми истеъмол ва 1,6 млрд.сўми микрокредитларни ташкил этган. Хозирда банк кредитлари ҳисобиға уйли-жойли бўлган ёки турли рўзғор буюмлари харид қилган ва микрокредитлар олиб, хусусий тадбиркорлигини ривожлантирган оилалар кўпчилиқни ташкил қилмоқда.

Фақат шунинг эмас, «Савдогарбанк» томонидан Юртбошимизнинг қарорлариға мувофиқ рақобатбардош, сифатли ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 2010 йилда 22 млрд.сўм миқдоридида кредитлар ажратилиб, шундан, технологик ускуналар сотиб олиш учун 6,5 млрд.сўм ва хом ашё материаллари харид қилиш учун 11,3 млрд.сўм кредитлар ажратилган.

Мисол тариқасида, озиқ-овқат ис-

теъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент вилояти Қибрай филиали томонидан аҳолининг нон маҳсулотлариға бўлган эҳтиёжини қондириш учун «Қибрай нон» масъулияти чекланган жамиятиға ажратилган кредит мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу корхонаға 1 йил муддатта нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 35 млн.сўм миқдоридида кредит ажратилган. Ажратилган кредит ҳисобиға корхонанинг йиллик қолиғи нон ишлаб чиқариш ҳажми 2 млн. 520 минг донаға етди ва 6 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банкнинг Амалиёт бошқармаси томонидан «PALM LAET» масъулияти чекланган жамиятиға мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш мақсадида 200 млн.сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилиб, 4 та янги иш ўрни яратилган. Корхона олинган кредит маблағлари ҳисобиға йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача 7400 м² етказишни режалаштирган.

Шунингдек, банк томонидан 2010 йил давомида уй-жой сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитлари миқдори 3,3 млрд.сўмни ташкил этди.

ларни қўллаб-қувватлаш учун 1,6 млрд.сўм, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,1 млрд.сўм, ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада бойитиш, янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 13,3 млрд.сўм ва инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун 6,9 млрд.сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Жорий йил биринчи чорағида уй-жой сотиб олиш учун 857 млн.сўм ипотека кредитлари берилди.

Бундан ташқари, 2010 йил давомида фермер хўжалиқлариға пахта ҳосилини етиштириш учун 22,3 млрд.сўм ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 9,3 млрд.сўм — жами 31,6 млрд.сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилган. 2011 йилнинг биринчи чорағи давомида эса фермер хўжалиқлариға пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жами 12 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасида ҳам изчиллик билан иш олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирларни фаолаштириш, жисмоний шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, республикаимиз молия бозоридида пластик картчаларға асосланган замонавий усулни кенг жорий этиш банкнинг диққат марказидан ўрин олган. Бугунги кунда муомаладаги банк пластик картчаларининг умумий сони 143 мингтадан, терминаллар сони 2300 тадан ошиб кетди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш айна кундаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада банк филиалларининг молиявий ёрдами катта бўлапти. Натижада ички ахборот оқимини самарали ташкил этиш ва оқилона бошқаришға эришилмоқда. Кейинги йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосланган «Интернет-банк» ва «Банк-мижоз» каби интерфаол хизматлар тизимидан фойдаланиш даражаси бир неча марта ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш қўлланмалари таъминлашға оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Савдогарбанк» аҳолиға миллий валюта шаклида бир неча омонат турларини таклиф қилди. Жумладан, болалар 18 ёшға етунға қадар «Бахтли болалик» жамгарма омонати, «Истикбол», «Кафолат», «Орзу», «Наврўз айёми» ва турли муддатларға белгиланган омонатлари шулар жумласидандир.

Юқоридагидек натижаларға осонлиққа эришилаётгани йўқ, албатта. Муваффақиятлар ортида жамоанинг ҳамжихатлиғи ва аниқ мақсадларға йўналтирилган меҳнати муҳимдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банклар олдиға қўйилган устувор вазифалар «Савдогарбанк» ОАТБ жамоаси зиммасиға ҳам алоҳида масъулият юклаши табиий. Молиявий муассаса ходимлари шундан келиб чиқиб, тадбиркор ва фермерларға намунали хизмат кўрсатишға, уларнинг ишончли мададкори бўлишға астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Д.ИСРОИЛОВ



«Савдогарбанк» ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни ҳам молиявий қўллаб-қувватламоқда.

Масалан, Тошкент вилояти, Келес филиали томонидан «ZARIN INVEST» масъулияти чекланган жамиятиға 400 млн.сўм миқдоридида кредит маблағи ажратилган. Ушбу кредит ҳисобиға корхона томонидан хўжалик ишларида фойдаланиш учун йилиға 1 млн. 320 минг дона қоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва туманда 23 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, Тошкент вилояти, Келес филиали томонидан «SEV SABB» масъулияти чекланган жамиятиға полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 50 млн. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилган. Мазкур кредит ҳисобиға йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 91 тоннаға етди ва корхона томонидан 4 та янги иш ўрни ташкил этилди.

2010 йил давомида банк ўз маблағлари ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун 21 млрд.сўм миқдоридида кредитлар ажратди. Булар тармоқ йўналишлари бўйича қуйидагича тақсимланган: санаотға – 8,7 млрд.сўм, қишлоқ хўжалиғиға – 3,7 млрд.сўм, транспорт ва коммуникацияларға – 802 млн.сўм, қурилишға – 1,3 млрд.сўм ва бошқа секторларға – 6,5 млрд.сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1-чорағи давомида кичик бизнес субъектлариға 14,9 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилиб, 510 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорағи давомида аёл тадбиркор-

ҚУТЛАЙМИЗ!

ШАҲРИМИЗ САВДО, МАЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ ВА МАНИШҲИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ!

Сизларни касб байрамингиз билан чин юракдан табриқлаймиз. Барчангизға мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, халқимиз дастурхонига файзу барақа ва тўқинлик бахш этишдек эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Юрт равақи ва фаровонлиғи йўлида олиб бораётган ишларингизда омад ва зафар ёр бўلسин!

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти жамоаси

ЎЗ ЮРТИГА РИЗҚ УЛАШГАЙ

Мозий тарих садолари, Кўнғирокли карвонданму? «Чўл ироқдек» наволари, Йўл азоби армонданму?

Жанг жадалли, гарчи даврон, Чин-Мочинга қадам босган. Савдогаринг сенинг Турон, «Буюк Ипак йўли» очган.

Иш биланнинг нурли йўли, Умри шодлик билан ўтар. Гар узатса моҳир кўли, Ою кўёшға ҳам етар.

Кўл кўксидида доим «лаббай» Деб турувчи шоғирлар бор. Эътиборли хизматға шай Дибнатли, имони ёр.

Бир ҳақиқат англадим чин, Савдогар ўй, муддаосин. Юртта тинчлик, халққа бойлик, Тўқин бўлсин дастурхон дег.

Меҳнат қилиб юрт шаънини, Дунёларға қилар достон. Халол тоғиб ризқ-рўзини Баҳам кўрар топса бир нон.

Ақдолардан қолган ҳувиқ Бу ҳақда бордир ибрат. Халоллик-ла қилса меҳнат, Кам бўлмағай савдо аҳли.

Абдулжаббор ОБИДОВ

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳоқимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлариға рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишға рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўқинликлар ва сансалорликларға йўл қўйилган тақдирда, Сиз, тадбиркорлар, ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси ва туман прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамлариға ёки «007» қисқа рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
		007
1	Тошкент шаҳар прокуратураси	271-12-26, 277-10-11
2	Бектемир туман прокуратураси	295-02-81
3	Миробод туман прокуратураси	215-66-56
4	Мирзо Улугбек туман прокуратураси	267-68-38
5	Олмасор туман прокуратураси	248-84-14
6	Сергели туман прокуратураси	258-67-10
7	Учтепа туман прокуратураси	271-52-00
8	Ҳамза туман прокуратураси	289-58-20
9	Чилонзор туман прокуратураси	277-91-62
10	Шайхонтоҳур туман прокуратураси	249-61-01
11	Юнусобод туман прокуратураси	235-25-36
12	Яккасарой туман прокуратураси	250-03-94

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

Хурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида ҳар ойнинг биринчи ва охири жумасида ўтказилаётган «Тадбиркорлик кунлари»да кичик ва хусусий бизнес субъектлари бевосита бошқарма раҳбарияти томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, фаолиятингизға ҳар қандай ноқонуний аралашувлар ва қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан «Ишонч телефони»ға кўнғироқ қилишингиз мумкин. Бошқарма мутахассислари томонидан Сизға малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси «Ишонч телефони» рақамлари: (8371) 269-14-45, 262-92-42.



Ёз — ўтмоқда саз

ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Саломатлиги мустаҳкам инсоннинг иш унуми ҳам, кайфияти ҳам юқори бўлади.

Шу тўғрисида ёзиб соғломлаштиришга корхона ва ташкилотларнинг касабани уюшмаси кўмактари жиддий эътибор бериб, меҳнаткашлар фарзандларининг мириқиб дам олишларини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишмоқдалар.

Йўл ва йўлакчалар тартибга келтирилиб, ётоқхоналардаги камчиликлар бартараф этилди. «Алоқачи» оромгоҳида ҳар мавсумда 320 нафар, «Нилуфар»да 220 нафардан ўғил-қиз ёз гаштини суради.

Оромгоҳлар нафақат пойтахтлик алоқачиларни, айна вақтда «Қорақалпоқ Телеком», «Хоразм Телеком» каби алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам фарзандларини ўз бағрига олади.

«Марварид» дам олиш уйида эса 100 нафардан ортиқ алоқа ходими ҳордиқ чиқаради. «Кумушқон»да ҳам ёзиб дам олиш мавсуми завқли ўтади.

Оромгоҳда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари, турли хил фанлардан билимларини оширишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Мақтаб ўқувчилари ёзиб таътил кунларининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек туманидаги 222-мақтаб қошида ташкил этилган «Нур» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

лар келтирилганлиги қувонарли ҳол. Шунингдек, оромгоҳ раҳбарияти болажонларнинг шахримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишлари мақсадида Ўзбек Миллий академик драма театрига, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрига, Ўзбекистон тарихи

Давлат музейига, Темировлар тарихи Давлат музейига, Мустақиллик майдонига сайёрликлар ташкил этишни режалаштиришган. Хулоса қилиб айтганда, «Нур» болалар оромгоҳида дам олишни истаган фарзандларимиз асло зерикмайдилар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги давом этмоқда. Бу борада белгиланган режага мувофиқ мамлакатимизнинг барча жойларида профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг етакчи эксперти Саодат Жуманованинг таъкидлашича, ойлик наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида ўтказилмоқда.

ликларни экиш бўйича кўплаб ҳолатларни аниқлашга ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда қўлланадиган амалиётга мувофиқ, судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукм кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан барча ҳуқуқчи муҳо-

лар орасида, инсон танаси, ҳатто ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси томонидан наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар ҳамда фактлар аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқчи муҳофизатчи идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз сайёр ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларга, шунингдек, гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олишга, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратмоқда.

Июнь ойининг охиригача давом этадиган мазкур ойлик давомида, биринчи

набатда, наркотик моддаларини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари амалга оширилади. Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, йирик шаҳарларда таниқли артистлар, спортчилар, жамоат арбоблари иштирокида хайрия концертлари ўтказилмоқда. Ёшлар учун гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишнинг ҳалокатли оқибатларига бағишланган туркум радиозинтигирилари ва телекўрсатувлар эфирга узатишмоқда, газета ва журналларда мақолалар чоп этилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллалар, болалар ёзиб оромгоҳлари, клубларда профилактика мақсадларида суҳбатлар, маърузалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида ушбу «заҳри қотил»га қарши курашга чорловчи баннерлар, плакатлар ва бошқа кўргазмалар воситалар ўрнатилган. 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кунида телевидениеда телемарафон бўлиб ўтади. Ушбу тадбир давомида бу йўналишда амалга оширилётган кенг қўламли ишлар намойиш этилади.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

электр тизимидаги носозлик туфайли юз берганлиги аниқланган.

Ҳамза туманида ҳаракатланаётган «Доган С» автоуловидида содир бўлган ёнгин оқибатида автоуловнинг мотор қисмида электр симлар ёнган. Ёнгин автоулов электр тизимидаги носозлик туфайли келиб чиққан.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдикки, ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олай десангиз, ўзингизга бириктирилган автоуловларнинг электр қисмларининг ишлаш жараёнини мунтазам назорат қилишдан эринманг, шунда сиз тасодифан содир бўладиган ёнгининг олдини олган бўласиз ҳамда ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини ҳам хавфга қўймайсиз.

М.ФИРМАТОВ, Ҳамза тумани ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант

Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

фаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёки юбориладди. Бундай моддаларнинг йирик туркумлари БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинади.

БМТнинг Марказий Осиёда Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонасида наркотикига қарши кураш борасида халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон самарали иш олиб бораётгани таъкидланмоқда. Ҳар йили катта миқдордаги наркотик моддалари мусодара қилинмоқда ва ушбу йўналишда ижобий натижага эришилмоқда.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жиноятлар сонини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Наркотик моддаларни ташувчилар ушбу «заҳри қотил»ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги ҳуфия жойларда, қўл юклари, майиш буюмлар, кийим-кечак-

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнгинларнинг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг асосан электр симлари эскиргани ёки вақтида таъмирланмаганлиги туфайли содир бўлаётганлигини аниқлаш мумкин.

«01» АВТОУЛОВЛАРНИ ЁНГИНДАН САҚЛАНГ

Чунки биз аксарият ҳолларда транспорт воситасининг электр қисмларини бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатамиз, таъмирлашга келганда устга бормасдан ўзимизча иш қиламиз. Устга сарфланадиган озгина пулни тежаймиз деб, катта харажатга замин ҳозирлаймиз. Пулимизни тежайимиз, деймиз аслида бепарволик қилиб, бир неча баробар кўп маблағ сарфлаганимизни билмай қоламиз. Масалан, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчи-

ларимиз автомобиль карбюраторидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди. Эътибор қилган тақдирда ҳам бензин оқаётган жойини қўлбола усулда сим билан боғлаб қўядилар. Арзимас бўлиб кўринган бу ҳолат юқорида эслатганимиздек, катта фалокатларни келтириб чиқаради.

Ана шу кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблағни аяган ҳайдовчи ёнгин содир бўлган, ҳам моддий, ҳам

маънавий зарар кўради, ҳатто азиз жонини хатарга қўяди. Келинг, шу жойда яхшилаб ўйлаб кўрайлик, қай бири фойдали? Носозликни мутахассис ёрдамида дарҳол бартараф этишни ёки унинг асосларидан азият чекишни? Албатта носозликнинг вақтида олдини олган афзал. Ахир, халқимиз «касаликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал», деб бежиз айтмаганку!

2010 йил 16 январь кунини Ҳамза тумани, Олтинтепа, Паркент кўчаларининг чорраҳасида, автобус бекати олдида ҳаракатланаётган «Дамас» русумли автоуловда содир бўлган ёнгин оқибатида унинг мотор қисмида электр симлар ёнган. Ёнгиннинг автоулов

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3885 нусхада босилади. Қороз бешми А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

РЕЖА ВА ТЕЖАМ ҲАҚИДА

Тежаш — топишдан кўра қулайроқ. Узоқни кўзлаган қуш баланд учади. Бир тийин кам бўлса, сўм бўлмайди. Режаламай шошиб юрган қоқинади. Режасизнинг чўнтаги тешик. Режасизлик денгиз ичида ҳам бир пиёла сувга зор қилади.

Катта иш кичик ишлардан бошланади.

Мўлжаллай билиш — ишбилармонликдир.

Режаламай учган қуш денгиздан ўта олмайди.

Ақллар бахтни ҳам режалайдилар.

Ҳар бир ишнинг пойдевори унинг сифатини белгилайди.

Режасиз қулоқ излаганда, бурнини ҳам йўқотади.

Қишдаги қор — баҳорнинг майсаси.

Қишга қор ярашар, ёзга чаманзор.

Узоқдаги сув билан, яқиндаги ўтқириб бўлмайди.

Отлиққа бош керак, пиёдага оёқ.

Дақиқалар воятни тежайди.

Оловни чўнтақда сақлаб бўлмайди.

Тежаб билмасанг, пул оёқ чиқариб, қочиб кетади.

Ўйламай қилган ишнинг ҳосили ташвиш.

Эътиборсиз қолдирилса, кичкина шам ҳам бир маҳаллани ёндириши мумкин.

НОН ҲАҚИДА

Нон — емишларнинг султони.

Фаровонлик — нон билан.

Нон — инсоннинг доимий йўлдоши.

Нон — дастурхоннинг сардори.

Нондан улуг нарса йўқ.

Нон бор жойда — шодлик бор.

Нони кўпнинг — шони кўп.

Нон — хонадон ободлиги.

Ҳаётни тиклаб турган устун — нондир.

Нон — бекиёсдир.

Нони ҳалолнинг — кўнгли чароғон.

Нонли дастурхон олдида низо йўқ.

(Давоми бор)

УЗГИДРОМЕТ ХАБАРИ ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 25 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, жала ёғиш эҳтимоли бор. Фардан сечкундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-25, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 июнь кунини Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шарт кечаси — 23-25, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади. Республика ҳудуди бўйича шунинг яратилишига таъминоти яратилди.